**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи**

__________ **О.Яминов**

11 август **2022**

**Асбоб-ускуна ва мехнат қуролларини (тикув машина, оверлок ва бошқалар) харид қилиш бўйича**

# ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

**Тошкент - 2022 й.**

**МУНДАРИЖА**


1. Харид қилинаётган асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларининг (тикув машина, оверлок ва бошқалар) хусусиятлари ва кўлами ..........
2. Таъминотчига қўйиладиган талаблар ..........
3. Асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларини (тикув машина, оверлок ва бошқалар) етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш ..........
4. Иш жойи ва вақти ..........
5. Бошқа шартлар ..........

илова ..........

1. **Харид қилинаётган асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларининг (тикув машина, оверлок ва бошқалар) (кейинги ўринда асбоб-ускуналар) хусусиятлари ва кўлами.**

**Тикув машинасининг техник параметрлари Шайхонтохур туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Ашурматовнинг 2022 йил 6 июлдаги 02/03-сон йиғилиш баёнига мувофиқ шакллантирилди.**

**1.1 Тикув машинасининг техник параметрлари:**

- Серво моторли, иккита қайчили, 300 мм*120 мм тикув сиғимига эга, очиқ паддонли автомат тикув машинкаси;

- Тикишни бажариш жойи янада кенг ва қулай 300 мм*120 мм;

- Ҳил (ҳар ҳил) декоратив дизайнли чок тика оладиган (камида 18 ҳил);

- Ўрта ва қалин материаллар учун мўлжалланган;

- 5000 тикув/мингача бўлган тикув тезлиги туфайли юқори маҳсулдорлик;

- Игна кўтарилиши максимум 13 мм;

- Игна ДБХ1 #9 -#18;

- Автоматик функцияларга эга (закрепка, лапка кўтарилиши, автоматик ип кесиш ва бошқалар);

- Жим ишлаш, машинанинг силлиқ ишлаши, шовқин ва салбий тебранишларсиз ишчининг қулайлигини таъминлаши;

- Моментнинг узатилиши машинанинг асосий милида жойлашган ва унинг танасига ўрнатилган кичик ва кучли тишли бўлмаган двигател томонидан амалга оширилши;

- Двигател ва асосий милнинг қувват сарфини сезиларли даражада камайтириши (70% гача тежалиши), тебранишларни камайтириши;

- Бошқарув панели машина корпусига ўрнатилган бўлиши;

2. **Пудратчига қўйиладиган талаблар**

2.1. Харид килинаётган асбоб-ускуналарга камида 3 йиллик кафолат мавжудлиги.

2.2. Асбоб-ускуналарига камида 3 йилгача бепул хизмат кўрсатиш бўйича кафолат.

2.3. Асбоб-ускунага қўйилган техник талабга мос келиши (зарур).

2.4. Асбоб-ускуналарни шартнома имзоланган кундан бошлаб кўпи билан 3 иш куни ичида етказиб бериши.

2.5. “Етказиб берилган асбоб-ускуна яроқсиз бўлган ҳолда янгисига алиштириб бериш.

2.6. Асбоб-ускунани шартномада кўрсатилган муддатда етказиб бериш.

**3. Асбоб-ускуналарини етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш**

3.1. Асбоб-ускуналарни шартнома имзоланган кундан бошлаб кўпи билан 3 иш куни ичида буюртмачи томонидан кўрсатилган манзилга етказиб бериши.

3.2. Асбоб-ускуналарни етказиб бериш Ўзбекистан Республикаси Қонун ҳужжатлари ва бошка норматив-хуқукий ҳужжатлар талабларига жавоб бериши керак.

3.3. Етказиб берилган асбоб-ускуна яроқсиз бўлган ҳолда янгисига алиштириб бериш.

3.4. Асбоб-ускуналарга камида 3 йиллик кафолат.

3.5. Асбоб-ускуналарига камида 3 йилгача бепул хизмат кўрсатиш бўйича кафолат.

3.6. Асбоб ускуналар берилган кафолат даврида бузлиб қолган ёки яроқсиз ҳолга келиб қолган тақдирда асбоб-укуналарни таъмирлаш ишлари “Таминотчи” томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

3.7. Эхтиёт қисмлар алмаштиришни талаб қилганда эҳтиёт қисимларни Таъминотчи ҳисобидандан бепул ўрнатиб бериш.

**4. Иш жойи ва вақти**

4.1. “Таминотчи” асбоб-ускуналарини Тошкент шахар, Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги биносига етказиб беради.

4.2. Асбоб-ускуналарни етказиб бериш “Буюртмачи”нинг иш вакти давомида амалга оширилади. Иш вакти дам олиш ва байрам кунларидан ташкари, соат 9:00 дан 18:00 гача (5/7).

4.3. Буюртмачининг талабига биноан етказиб бериш манзили ва вақти ўзгартирилиши мумкин.

**5. Бошқа шартлар**

5.1. Турли хавф хатарлар ва форс можор ҳолатларини олдини олиш мақсадида “Таминотчининг”нинг доимий иш фаолиятида бўладиган телефони мавжудлигини таъминланиши шарт.

5.2. “Таминотчининг” телефонлари 24/7 давомида ишлашини таъминлаши шарт.

5.3. “Таминотчининг” телефон рақамлари рўйҳатини “Буюртмачига” шартнома тузилгандан сўнг берилишини таъминлаш ҳамда телефон рақамларидаги ўзгаришлар тўғрисида маълумотни бир иш куни давомида Буюртмачининг вакилларига етказилишини таъминлаши шарт.

**Асбоб ускуналар сони ва турлари**

Тикув машинаси 199 дона.

**Таклиф киритди:**

**Комиссия котиби** **Х.Абдуллаев**